

ЎРМОН ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ўрмон хўжалигини ривожлантириш бўйича ислохотлар натижадорлиги таҳлилига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Иқтисодиётнинг ресурс базасини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш, экологияни яхшилашда ўрмон хўжалиги жуда муҳим ўрин тутди. Шунинг учун ҳам охириг уч йилда бу соҳани жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, мамлакатимиз ўрмон фонди ерлари 12 миллион гектарга етказилди.

Жумладан, Орол денгизининг 1,2 миллион гектар қуриган тубида ихота дарахтзорлари барпо этилди. Оборотдан чиқиб кетган 10 минг гектар ўрмон хўжалиги ерлари ўзлаштирилди, 5 ярим минг гектарда ёнғок, 4 минг гектарда озик-овқат экинлари ва доривор ўсимликлар плантациялари ташкил этилиб, 3 мингта янги иш ўринлари яратилди. Ўрмон хўжаликларида биринчи маротаба 64 та биологическая лаборатория ташкил этилди.

Йиғилишда бу борада ҳали ишга солинмаган имкониятлар қўлиги таъкидланиб, келгусидаги ўстувор вазифалар белгиланди. Соҳада хусусий секторни жалб қилган ҳолда ўрмон ерларини ўзлаштириш, йилчилик, чорвачилик, уруғчилик, қўнчилик, туризмни кенг йўлга қўйиш масалалари муҳокама қилинди.

Яна 50 минг гектар ўрмонзор барпо этиб, Жиззах, Навоий, Самарқанд, Сурхондарё, Қашқадарь, Наманган ҳамда Тошкент вилоятларида ёнғок, pista ва бодом плантациялари ташкил қилиш имконияти борлиги кўрсатиб ўтилди.

Мебелсозлик корхоналари хом ашёнинг 90 фоизини импорт қилаётганидан келиб чиқиб, уларга кластер усулида павловния ва бошқа мебелбоп дарахтлар етиштириш учун ер ажратиб бўйича топшириқ берилди.

Ўрмон фонди ерларини ўзлаштиришга ҳам субсидия ва имтиёзлар жорий этиш, хусусан, сугориш насослари харид қилиш, қудуқлар қазих ишларини молиявий қўллаб-қувватлаш муҳимлиги таъкидланди.

Бу йилдан бошлаб оборотда бўлмаган ўрмон фонди ерларини ижарага бериш тартиби жорий қилинди. Хозирги кунда 20 минг гектар шундай ер ижарага берилган. Бу ишларни давом эттириб, қўшимча ерларни оборотга киритиш ҳамда тадбиркорларга ижарага беришни кенгайтириш вазифаси қўйилди.

Кўп жойларда, жумладан, Қорақўл, Ёнғиқовон, Шахрисабз, Китоб, Поп, Чортоқ, Нуробод, Қўшрабат, Нурота, Бахмал, Фориш, Узун, Бойсун, Охангарон, Бекобод туманларида ўрмон хўжалиги резервларидан фойдаланиш бўйича ишлар таниқ қилинди, етарлиги ташкил этилмагани кўрсатиб ўтилди.

Пиллачиликда озуқа базасини кўпайтириш мақсадида фермер хўжаликларида 2 минг гектар, келгуси йилда 2,5 минг гектарга тут қўнчалари экиш режалаштирилди.

Ў.А.

ОЗОДЛИК ЙЎЛИДАГИ КУРАШ ЁШЛАР УЧУН ИБРАТ МАКТАБИ

«Бу инсонлар ҳақиқий етакчилар, илғор зиёлилар, адабиёт, маданият намояндалари, бошқача айтганда, миллатимизнинг, халқимизнинг энг сара вакиллари эди. Тасаввур қилинг, агар улар қатағон қилинмаганида Ватанимиз ривожини учун, илм-фан, иқтисодиёт, маданият ва адабиётимиз учун қандай буюк ишлар қилган бўлар эди, халқимизни олдинга бошларди. Шу билиб туриб қилинган. Бугун буни армон билан эслаймиз».

Шавкат МИРЗИЁЕВ



Акс садо

Мустабид тузум даврида минглаб бегуноҳ ватандошларимизнинг умри ҳазон бўлган. 1937 — 1953 йилларда Ўзбекистонда 100 минг одам қатағонга учраган. Уларнинг 13 минг нафари шафқатсиз отиб ташланган. Қанчадан-қанча оилалар хонавайрон бўлиб, болалар етим қолган. Биргина 1937-38 йиллардаги қатта қатағон даврида 7 мингга яқин ватандошларимиз отилган.

Айрим маълумотларга қараганда, икки миллионга яқин ватандошларимиз Туркистондан бош олиб, хорижий мамлакатларга чиқиб кетган. 1 миллион 700 минг

юртдошимиз Сибирь, Украина, Шимолий Кавказ, Урал, Қозоғистон, Узоқ Шарқ, Кавказ ва Волгабўйига бадарға қилинган.

Улар орасида халқни эрк, озодлик учун оёққа турғиза оладиган таниқли маърифатпарварлар, жадидчилик ҳаракати намояндалари, Германия, Туркия, ҳатто Россиянинг етакчи олий таълим муассасаларида таҳсил олиб, миллатнинг фаровонлиги учун ҳизмат қилишга бор боғлаган турли касб эгалари бор эди.

Эътирофдан руҳланган АҚШлик олим энди «Меҳробдан чаён»ни таржима қилмоқчи

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллиги муносабати билан чет эл фуқаролари ва хорижда истиқомат қилаётган ватандошларимизни муқофотлаш тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ, АҚШ Давлат котиби ёрдамчисининг sobiq биринчи ўринбосари, айни пайтда «Ехон Mobil» компаниясининг халқаро ҳамкорлик бўйича қатта маслаҳатчиси Элис Уэллс ҳамда шарқшунос олим, ўзбек адабиёти таржимони Марк Эдвард Риз «Дўстлик» ордени билан муқофотланган эди.

Рағбат

Мамлакатимизнинг АҚШдаги дипломатик ваколатхонасидан олинган хабарга кўра, Вашингтонда Ватанимиз мустақиллигининг 29 йиллигини нишонлаш доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан ана шу оқсак муқофотлар ўз эгаларига топширилди.

Элис Уэллс эътироф учун миннатдорлик билдирар экан, бундан 29 йил олдин Ўзбекистон суверен мустақил давлат сифатида қандай натижаларга эришиши мумкинлигини олдиндан айтиш қийин бўлганини таъкидлади. Собiq дипломатнинг алоҳида қайд этишча, мамлакатнинг ютуқлари ўзбек халқининг жасорати, матонати ва интилишлари билан боғлиқ.

Ўтган йиллар давомидаги фаолиятим Президент Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари бўлиб сайланганидан кейин биз Ўзбекистонда кузатган шижоатни, шунингдек, унинг мамлакатни



➡ 2

Нуктаи назар

Ёшлар — келағимиз вормислари. Уларнинг фаоллигини ошириш мамлакатимиз тараққийотининг муҳим омилдир. Ўзбекистоннинг улкан салоҳияти бугунги кунда ҳал қилувчи куч бўлиб ижтимоий ҳаётга кираётган, замонавий билим ва касб-хунар сирларини пукта эгаллаган, навқирон авлод тимсолида яққол намоён бўляпти.

НАВҚИРОН АВЛОДДАН УМИДИМИЗ КАТТА

Мамлакатимизнинг эртанги кунини, жамиятда ўзгаришларга сабаб бўладиган, бунёдкорлик гоғаларини ҳаётга татбиқ этувчи муҳим бўгин, маънавий салоҳияти ресурс ҳисобланган ёшларни юрт тақдири ва келажагини ҳал қилувчи қатта кучга айлантириш ҳар биримизнинг муҳим вазифалиримиздир.

Ўзбекистонда ёшларнинг орзу-мақсадларини ҳаётга татбиқ этишлари учун зарур бўлган барча шароит яратилиб, уларга оид масалалар давлат сиёсати даражасида ҳал қилинмоқда.

30 июнь санаси мамла-

катимизда Ёшлар куни сифатида нишонланмоқда. Турли соҳаларда юксак натижа ва ютуқларга эришаётган фидойи ёшларимизни рағбатлантириб бориш мақсадида «Мард ўғлон» давлат мукофоти ҳамда «Келажақ бунёдкори» медал таъсис этилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон амалиётида бутунлай янги тизим, ёшлар ҳаётига оид турли қирраларни ўрганиш билан шуғулланадиган — Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқбол қадрларини тайёрлаш институти ташкил қилинди.

➡ 2

Депутат фикри

МАМЛАКАТ РАВНАҚИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАРГА БОҒЛИҚ

Президентимизнинг Ватанимиз мустақиллигининг йигирма тўққиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида ҳаётимизнинг турли йўналишларида олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар, тегишли соҳаларда амалга оширилаётган ишларнинг туб моҳияти, ютуқ-камчиликлари ва режалаштирилган ишлар ҳар томонлама таҳлил этилди.

Булларнинг барчаси юртимиз тараққийотида муҳим аҳамиятга эга. Айтиш жоизки, илм-фан, таълим ҳамда маданият соҳаларида ўзгаришлар, уларнинг моҳияти ва келажаги тўғрисидаги мулоҳазалар эътиборимизни тортди.

Айниқса, мамлакатимизда учинчи Ренессанс — янги ўй-ғунаш даврига тайёргарлик қўрилаётгани тўғрисида билдирилган фикрлар жуда чуқур маънога эга.

Бинобарин, юртимизда амалга оширилаётган ва режалаштирилган ишларнинг салмоғи, илм-фан, таълим,

маданият ҳамда санъатни ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган қўллаб-қувватлаш дастурлар Ўзбекистоннинг ривожланишида сифат жиҳатидан мулоқоқ янги давр олдида турганимиздан далолат беради. Бу даврга билимларга асосланган иқтисодиёт, ахборот технологиялари ёки инновацион ривожланиш даври, деб турлича таъриф бериш мумкин. Лекин ушбу даврнинг моҳияти унинг халқчиллигида, давлатнинг келажақ учун, халқ фаровонлигига хизмат қилишдан келиб чиқади.

➡ 2

Олий Мажлис Сенати

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИГА ПАРЛАМЕНТ СЎРОВЛАРИНИ БУЗОРИШ КЎЗДА ТУТИЛМОҚДА

Кеча Олий Мажлис Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Уни парламент юқори палатаси Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Сенат Раиси давлатимиз раҳбари бошчилигида сиёсий, иқтисодий-иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларда кенг қўламли ислохотлар амалга оширилаётгани, янги Ўзбекистонни қуриш йўлида қатта савий-ҳаракатлар олиб борилаётганини таъкидлади. Қолаверса, одамлар билан мулоқот қилиб, аҳоли томонидан кўтарилаётган муаммоларнинг ўз вақтида ҳал қилинишига ўстувор аҳамият бериш лозимлигига эътибор қаратди. Шу маънода, бу галги ялпи мажлис кун тартибига киритиладиган ҳар бир масала юзасидан жамоатчилик фикрини эътиборга олиш, қолаверса, ҳудудлардаги муаммоларни доимий тарзда ўрганиб бориш ва уларни муҳокамага олиб чиқиш зарурлигини қайд этди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказиладиган ялпи мажлисда бир қатор масалалар кўриб чиқилиши режалаштирилган.

➡ 2

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси

МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИГА ОИД ҚОНУНЧИЛИК ТАКОМИЛЛАШТИРИЛЯПТИ

Аҳоли бандлигини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, меҳнат низолатининг юзага келмаслигига эришиш кўп жиҳатдан бу борадаги қонунчиликни такомиллаштиришга боғлиқ. Мамлакатимизда ушбу муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси ҳамда Халқаро меҳнат ташкилоти (ХМТ)нинг тегишли конвенциялари ва тавсияларига асосланади.

Рақамларга эътибор қаратиладиган бўлса, юртимизда сўнгги йилларда меҳнат бозорида бир қатор жиддий ўзгаришлар амалга оширилганини кўриш мумкин. Хусусан, иш билан банд бўлганлар сони 1,5 баробар (8,8 миллиондан 13,5 миллионгача), иш бевувилар сони 4,5 баробар (203,2 мингдан 928,9 минггача) ошди. Бу эса иш бевуви ва ҳодимларнинг ўзаро муносабатлари фаол ривожланиш талабларини ҳисобга олган ҳолда, меҳнат муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини такомиллаштириб боришни талаб этади.

Амалдаги Меҳнат кодекси замонавий воқеликка мос келмаслиги ва фуқароларни меҳ-

➡ 2

➡ 2

ОЗОДЛИК ЙЎЛИДАГИ КУРАШ ЁШЛАР УЧУН ИБРАТ МАКТАБИ



Бу кўхна дунё сахнасидаги ҳар бир халқ, миллатнинг ўз тарихи, маданияти ва маънавияти бўлганидек, ўзбек деб аталган, ўз даврида дунё илму фани тамаддунига пойдевор қўйган миллат ҳам бу кунларга қадар не-не воқеликларни ўз бошидан ўтказмади, дейсиз.

Мамлакатимиз мустақиллигининг шукухли кунларида мазкур фикрларни баён этишимиз бежиз эмас. Зотан, давлатимиз раҳбари пойтахт-тимиздаги “Шахидлар хотираси” ёдгорлик мажмуига таширф бўйриб, яқин тарихимиздаги халқимиз озодлиги, юртимиз мустақиллиги ва ёрқин келажаги йўлида жонфидо қилган буюк аждодларимиз хотирасига ҳурмат баҳо келтирди. Аждодларимизнинг Ватан тинчлиги ва озодлиги йўлидаги кураши халқимиз, айниқса, бугунги кун ёшлари учун катта ибрат мактаби эканлигига урғу берди.

Орадан қанча йиллар ўтган бўлса ҳам, қатагон йилларида рўй берган даҳшатли воқеаларни ўзида акс эттирган архив манбаларини ўрганган эканмиз, янгидан-янги маълумотлар ва турфа тақдирлар акс эттирилган воқелиklar гувоҳи бўлиб бораверимиз. Гап фақат 100 мингдан зиёд ўзбек халқининг маърифатпарвар фарзандлари қамоққа ташланиши ҳақида эмас, балки ҳибсга олинган минглаб тараққийпарвар инсонларнинг туҳматлар асосида отиб ташлангани ва ҳеч бир ном-нишонсиз кўмиб юборилгани, мол-мулкларининг давлат фойдасига мусодара этилиши, фарзандларини турли шаҳарлардаги, ҳатто юртдан ташқаридаги болалар уйларига юборилиб, ота-оналарини, аждодларини унуттишга маҳкум этилганлигидадир. Боз устига, уларнинг пешонасига “халқ душмани” деган муҳриш тамга урилиб, қамоққа олинган етмаганидек, шу инсон хизмат қилган қорхона ва ташкилот, завод-фабрикалар ҳамда муассасаларда катта митинглар ўтказилиб, улар шаънига лаянат тошлари ёғдирилиб, пок номлари бутунлай бадном қилинди.

Бу воқелиklar халқимизни ўз тақдирини ўзи белгилашга, илм-маърифат ривожланишига йўл қўймаслик мақсадида юрт озодлиги учун курашган минглаб юртдошларимизни ҳеч бир асосли айб бўлмаса-да, зўрма-зўраки “миллатчи” деган тамга билан қоралаш, қамаш ва охиروقибат миллатни зиёиларидан маҳрум қилишга йўналтирилганди.

Доню халқимиз айтганидек, “ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ”дир. Давлатимизнинг ўз сиёсий мустақиллигига эришиши Ватан тинчлиги, озодлиги ва авлодлар фаровонлиги йўлида кураш олиб борган, ҳақиқатдан юз ўгирмай, ғанимларга бош эгмай жонфидо қилган ватандошларимизнинг хотираси халқимиз томонидан муносиб қадр-лаштишга кенг имконият берди.

Хусусан, Тошкент шаҳрида қатагон йилларида қатлгоҳ бўлиб, маҳаллий халқ тилида “Алвасты кўприк” номи билан аталган манзилда “Шахидлар хотираси” ёдгорлик мажмуа-си ва мажмуада ўша суронли воқелиklarни ўзида акс эттирган Қата-

гон қурбонлари хотираси давлат музеи ташкил этилди. Бугунги кунда энг машъум воқелиklarга тилсиз гувоҳ бўлган бу манзил обод қилинган бўлиб, фуқароларимизнинг муқаддас қадамжосига айланди.

Давлатимиз раҳбари 2017 йилда 31 август — “Қатагон қурбонларини ёд этиш куни” муносабати билан Қатагон қурбонлари хотираси музейига таширфи чоғида “ушбу музей — музейларнинг музейи” деб юксак баҳо бергани бундай масканлар халқимиз, қолаверса, ёшлар учун маънавият ва маърифат ўчоғи бўлиб қолаверишидан далолат.

Президентимиз таъбири билан айтганда, миллий тикланишдан миллий юксалиш сари интилаётган она Ватанимизда миллий анъаналаримиз, қадриятларимиз, гуруримизнинг тикланиши, энг асосийси, инсон қадр-қимматининг юксак даражада улуғланиши Ўзбекистонимиз келажаги бўлмиш ёшларимиз учун ибрат ва битмас-туганмас жасорат манбаидир. Шу билан бирга, уларнинг пок номини абадийлаштириш, шахс ва жамоат арбоби, тараққийпарвар юрт ўғлони сифатидаги фаолиятини кенг еритиш биз учун ҳам қарз, ҳам фарз.

Мана шундай азобли тақдирни юз минглаб ватандошларимиз қатори ҳали кўнчилигимиз билмайдиган ва қатагон тарихининг номаълум саҳифаларида қолиб кетган Назир Тўрақулов, Ғози Юнус, Санжар Сиддик, Давлат Ризаев, Нажим Давқораев, Карим Болтаев, Абдулла Тошмуҳамедов, Саид Аҳорий, Отагон Хошим, Ашурали Зоҳирий, Ғози Олим Юнусов, Шокиржон Раҳимий, Мусо

фарзандлари махсус болалар муассасаларида сақланган. 1937 йил 15 августдан 1939 йил январигача иттифок бўйича 25 342 бола оиласидан ажратиб олинган, улардан 15 ёшгача бўлган 22 427 нафари Халқ маорифи комиссарлигига қарашли болалар уйлари ва маҳаллий боғчаларга тарқатиб юборилган. Шундан 1 909 нафари Москвада бўлган, 2 915 нафари бошқаларга боқиш учун оилаларга қайтариб берилган. Ёши 15 дан юқорида бўлган болалар “ижтимоий хавфли” ҳисобланиб, қамоққа олинган ва ҳукм қилинган.

Қараганда лагеридаги маҳбус аёллар жазо муддатини ўтаётганида 1 507 нафари фарзанд қўрган, бу болалар зўрлик асосида дунёга келган.

Тарихий манбалар орқали қатагон қурбонларининг аччиқ қисмати билан танишар эканмиз, сизу бизга нотаниш бўлган турфа тақдирлар қатори қишлоқ хўжалиги ходими Мирмуслим Шермуҳаммедов ва унинг оиласи билан боғлиқ воқеаларни баён этишни лозим топдик.

Қишлоқ хўжалиги ходими бўлган Мирмуслим Шермуҳаммедов асос-си айбланиб, 1937 йилда ҳибсга олинган ва шу йили отиб юборилди. Бу ҳам етмаганидек, унинг аёли Раҳбарой Шермуҳаммедова ҳам турли айбловлар билан қамоққа олинди, “АЛЖИР”га юборилди. Биринчи 5, иккинчиси 7 ёш бўлган қизлари Қозоғистондаги етимхоналарга топширилди. Бир оила тақдирини билан танишиш асосида қатагон ишлари аввалдан чуқур режалаштирилгани ва миллатни ўз тараққийпарварларидан маҳрум этишга қаратилган тизимли

мий-амалий анжуманлар ташкил этиш; учинчидан, қатагон қурбонларининг яқин қариндошларини излаб топиш ва тарихий ҳақиқатни тиклаш; тўртинчидан, таълим муассасаларида тараққийпарвар жадидлар ва қатагон қурбонлари тўғрисида маънавий-маърифий тадбирларни уюштириш.

Зеро, қаттол тузум даврида бошқа халқлар қатори ўзбек халқи ҳам миллатнинг энг сара фарзандларини бой берди. Шукрки, бугун уларнинг авлодлари эркин ва озод юр-тда истиқлол неъматларидан баҳраманд бўлиб, шод-хуррам ҳаёт кечир-япти. Лекин тараққийпарвар бобо-ларимизнинг бугунги кунларни кўрмагани, ўзлари орзу қилган давлатда яшай олмагани ҳар бир ватандошимизни улар истаган эзгу ниятлар рўёбини янги босқичга олиб чиқишга ундаши лозим, десак, айнаи адолатдан бўлади.

Аслида шундай бўл-япти ҳам. Масалан, бугунги кунда малакали мутахассислар тайёрлаш мақсадида мамлакатимизда хорижий олий ўқув юр-тлари филиаллари ташкил этилди. “Эл-юрт умиди” жамғармаси тузилиб, ёшлар ривожланган давлатларга ўқишга юборилмоқда. Айни чоғда Ёшлар ишлари агентлиги тузилиди, Олий Мажлис палаталари ҳузур-ида Ёшлар парламенти ташкил қилинди. Бу ҳам ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига олиб чиқилганининг яна бир ёрқин тасдиғидир.

Шу ўринда Президентимизнинг 31 август куни Шахидлар хотираси хиёбонида қатагон қурбонларини ёд этиб, “Ватан фидойиларини эслашимиз, уларнинг ҳақиқа Қурьон қўишимиз яхши анъана. Маърифатпарвар боболаримиз мустақиллик учун, халқимиз эмин-эркин яшаши учун курашганини биламиз. Охириги йилларда бутун жамоатчилигимиз ҳаракати билан уларнинг номларини тиклаш, музейларни янги намуналар билан тўлдириш, ижод мактаблари ташкил этиш бўйича кўп ишлар қилин-япти. Буларнинг ҳаммаси — одамларга тарикий адолатни, ҳақиқатни етказиш учун, халқимиз у кунларни билиши ва ҳеч қачон унутмаслиги, бугунги кунларнинг қадрига етиши учун”, дея эътироф этди.

Тарихимизнинг энг даҳшатли даврлари тўғрисида халқимизга, айниқса, ёшларимизга кўпроқ илмий асосланган маълумотлар бериш орқали бугунги озод ва обод Ватанини қадрлаш, шукрона қилиш ҳамда замонавий илм-фанни чуқур эгаллаб, халқаро майдонда Ўзбекистонимиз обрў-эътиборини юксалтиришдан иборат эканлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз даркор.

Зеро, тарих биз учун катта ҳаёт мактаби бўлиб, ўтган кунлар ҳеч қачон қайтарилмаслигини, биз тан-лашган йўл энг тўғри йўл эканлигини ҳар он ёддан чиқармасдан, фақат ва фақат олдинга интилишимиз лозим.

Абдумалик АКРАМОВ,
Турсунюл МУРАТОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

Таълим

Тарих ва бугунги кун илм-фан тараққиёти инсоният ривожланишида нечоғли аҳамиятли эканлигини кўрсатиб берди. Турли суронли йиллар ҳамда мустабид тузум даврида юртимиз фарзандлари ичидан етишиб чиққан олим-фузалоларнинг бой илмий мероси қисман йўқотилди. Биз Абу Али ибн Синони — Авиценна, Ал-Фарғонийни — Ал-Фраганус, Ал-Хоразмийни — Алгоритм номи билан таниганимиз ҳам айнаи ҳақиқат. Минг шукрки, инсоний қадр-қимматимизни, гуруру ва шаънимизни, дину диёнатимизни, миллий давлатчилигимизни тиклаб берган мустақиллик туфайли “Янги Ўзбекистон” номи билан тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйдик. Албатта, бу қўтлуғ қадам давлатимиз раҳбари ташаббусига кўра илм-фан билан ҳамнафас тарзда ташланмоқда.

ИЛМ-ФАН БИЛАН БИРГА КЕЛАЖАККА ОДИМЛАЙМИЗ



Мактабгача таълимдан олий таълим ва кейинги таълимгача бўлган тизимда чуқур, узоқни қўзлаб амалга оширилган ислохотлар асрларга татигулик воқели бўлди. Хусусан, кейинги тўрт йил давомида 43 та янги олий таълим муассасаси ташкил этилиб, уларнинг сони 121 тага етди. Қабул квоталарининг ҳам шунга муносабати равишда ошири-ли ёшларнинг истеъдод ҳамда қобилияти, эзгу ин-тилишларини тўлиқ рўёбга чиқаришга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Тошкент давлат иқтисо-диёт университетида ҳам учта хорижий олий таълим муас-сасаси билан қўшма таълим дастури фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, уларда 6 та бакалаврият таълим йўнали-шида 700 нафар, 3 та ма-гистратура мутахассислиги-да 50 нафар талаба тахсил оляпти. Умумий қилиб ай-тганда, барча таълим йўна-лиши бўйича университетга қабул квоталари сони 1280 тадан 1982 тага етди. Шунингдек, ўтган қисқа вақт мобайнида профессор-ўқитувчиларга меҳнатга ҳақ тўлаш миқдори 4 баробар-гача оширилди. Бу эса, ўз навбатида, фан ва олий таъ-лим соҳаси ходимларининг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтириш, уларнинг касб нуфузини ошириш, иқтисо-диёт ҳамда ижтимоий соҳа тармоқларида кенг қўламли таркибий ўзгаришларни юза-га чиқаришда олимлар, ўқитувчиларнинг фаол ишти-рокини таъминлашда муҳим қадамдир.

Мамлакатимизда амалга оширилётган ислохотлар ва бугунги давр талаби нуқтаи назаридан олий таълим тизими олдига ҳам бир қатор масалаларни ҳал қилиш вазифаси туриб-ди. Булар — таълим си-фатини юксалтириш, фаолиятини янги-ча ёндашувлар асосида ташкил этиш, дарслик-лар савияси ҳамда ўқув қўлланмалар сифатини таъминлаш, пандемия шароитида ноодатий тарзда ишлаш шўхика-ларига эришиш каби-лардир. Бу жараёнда, биринчи навбатда, профес-сор-ўқитувчиларнинг касбий малакасини ошириш, улар-нинг сифатли таълим бери-ши учун тегишли шароитлар-ни яратиш ҳам муҳим ҳисоб-ланади. Шунингдек, интернет тезлиги паст ёки етиб бор-маган ҳудудларда талаба-ларнинг алоҳида шароитлар-да тахсил олишига замин ҳозирлаш ҳам долзарб ма-сала. Масофавий таълим беришни самарали йўлга қўйиш интернет тезлиги, си-фати ва унга сарф бўлади-ган трафиклар миқдори-га боғлиқ. Бу борада ҳам давлатимиз раҳбари томони-дан алоҳида вазифа белгилаб берилди ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги то-монидан амалий чора-тадбир-лар ишлаб чиқариш, фаолият татбиқ қилинмоқда. Эндик-да олий таълим муассаса-ларининг масофавий таълим бериш платформасидаги ре-сурслардан фойдаланганда интернет трафиклари сарф қилинмайди.

Пандемия туфайли юзага келган вазият масофавий таълим орқали ўқув йилини якунлашни тақозо қилди. Ма-софавий таълимга ўтиш бир томондан жиддий тайёргар-лики, иккинчи томондан, қисқа фурсатда уни жорий этишни талаб қилар эди. Бу фаолият эришилган ютуқлар билан бирга, таълим олув-чилар — талабаларнинг бир қатор эътирозларига ҳам са-баб бўлди. Шундан келиб чи-қиб, фаолият чуқур таҳлил қилинди, талабаларнинг тақ-лиф ва талаблари кенг ўрга-нилди. Мавжуд муаммолар-ни бартараф этиш бўйича “Йўл харитаси” ишлаб чиқи-либ, тегишли чора-тадбир-лар амалга оширилди.

Ҳозирги замон талабига жавоб бера оладиган мута-хассислар тайёрлаш учун ўқув жараёнини ташкил этиш жи-дий муносабатни талаб қила-ди. Шунинг учун ҳам тала-баларнинг таълими оlishда анъанавий ўқитиш усулидан, уларнинг мустақил фаолия-тига катта эътибор бериш муҳим аҳамият касб этади. Мустақил таълим беришдан қўзланган мақсад талабани ўз холига ташлаб қўйиш эмас, балки уни мустақил ишланиши учун тўғри йўнал-тиришдан иборат. Мустақил таълимни фаоллаштирмасдан талабаларни самарали ўқитишни кўз олдимизга келтиришимиз қийин. Шун-дай экан, ҳозирги давр му-тахассисидан юқори даража-даги тайёргарлик, мустақил равишда қарорлар қабул қилиш, белгиланган вазифа-ларни бажариш учун кўп маъ-лумотлар орасидан зарури-ни танлай билиш ва бу маъ-лумотларни қайта ишлаш олиш талаб қилинади. Бун-дай салоҳиятга эга мутахас-сислар ҳозирги кунда ма-лакатимизда амалга ошири-лаётган ислохотларни ҳаёт-га изчил татбиқ этишда асосий куч эканлигини унут-маслигимиз зарур.

Хабарингиз бор, 2020 йил 1 январдан бошлаб респу-бликамизнинг бир қатор олий таълим муассасалари муста-қил молиявий фаолият олиб боришга ўтди. Бу, ўз навба-тида, таълимга инновацион технологияларни жорий қилиш, олий таълим ва ишлаб чиқариш ўртасида ҳамкорлики мустақамлаш, илгор профессор-ўқитувчилар ҳамда иқтидорли талабалар-ни моддий рағбатлантириш имкониятларини оширди. Илм-фан ютуқлари, илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш орқали фаолиятга инвестицияларни жалб қилишга рағбат уйғот-ди. Зеро, бугунги рақобат муҳити замонавий илм-фан ва инновация ютуқларини кенг жорий этишни тақозо қилади.

Мансур ЭШОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
ўқув ишлари бўйича проректори.

ЭЪЛОНЛАР

Савдода иштирок этиш учун тақлифнома

Сана: 28.08.2020 й.

Шартнома рақами: № ADMP/NCB/01-A
ҚХРХЖ Қарз рақами: 2000002138

Лойиҳа номи: «Қишлоқ хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш»

- Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси томонидан «Қишлоқ хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш» лойиҳасини молиялаштириш мақсадида қарз маблағлари тақдим этилган бўлиб, мазкур маблағларнинг бир қисми №ADMP/NCB/01-A шартномаси бўйича Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, «Наврўз» МФЙ ҳудудидagi ветеринария клиникасининг қурилиш ишлари тўловларини амалга оширишга йўналтирилиши режалаштирилган.
- Ўзбекистон Республикаси Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги Фарғона вилояти, Марғилон шаҳри, «Наврўз» МФЙ ҳудудидagi ветеринария клиникаси қурилиш ишлари юзасидан №ADMP/NCB/01-A шартномаси бўйича муҳрланган тақлифларни тақдим этишни тақлиф қилади.
- Харид билан боғлиқ тегишли ҳужжатларни ва қўшимча маълумотларни иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қуйидаги манзилдан олишингиз мумкин:
Ўзбекистон Республикаси Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги, Тошкент шаҳри, Лабзак кўчаси, 1-«А» уй.
Тел./факс: 71-241-33-30, электрон манзил: dmp@tga.uz.
Қизиқиш билдирган харид иштирокчилари қўшимча маълумотни юқорида кўрсатилган манзилдан олишлари мумкин.
- Тақдим этилган тақлифларнинг амал қилиш муддати танлов тақлифлари охириги топширилган санадан бошлаб 90 кунни ташкил этади. Тақлифлар билан бир қаторда иштирокчилар кафолат сифатида 6,432 млн. сўм маблағи миқдоридa гаров тақдим қилишлари керак.
- Тақлифлар муҳрланган ҳолда 2020 йил 2 октябрь соат 17.00 га қадар қуйидаги манзилга тақдим қилиниши керак:
Ўзбекистон Республикаси Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги, Тошкент шаҳри, Лабзак кўчаси, 1-«А» уй.
Тел./факс: 71-241-33-30.
Электрон тарзда топширилган тақлифлар ва белгиланган муддатдан кейин топширилган ҳужжатлар қабул қилинмайди. Тендер тақлифларининг очилиши жисмоний шаклда тадбирда шахсан иштирок этишни истаган қатнашувчилар вакиллари иштирокида ўтказилади.
- Белгиланган муддатдан кейин топширилган ҳужжатлар қабул қилинмайди ва иштирокчиларга очилмаган ҳолда қайтарилади.

Савдода иштирок этиш учун тақлифнома

Сана: 28.08.2020 й.

Шартнома рақами: № ADMP/NCB/01-B
ҚХРХЖ Қарз рақами: 2000002138

Лойиҳа номи: «Қишлоқ хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш»

- Ўзбекистон Республикаси ҳукумати Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш халқаро жамғармаси томонидан «Қишлоқ хўжалигини диверсификация ва модернизация қилиш» лойиҳасини молиялаштириш мақсадида қарз маблағлари тақдим этилган бўлиб, мазкур маблағларнинг бир қисми №ADMP/NCB/01-B шартномаси бўйича Андижон вилояти, Хўжаобод тумани, «Хидиршо» МФЙ ҳудудидagi ветеринария клиникасининг қурилиш ишлари тўловларини амалга оширишга йўналтирилиши режалаштирилган.
- Ўзбекистон Республикаси Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги Андижон вилояти, Хўжаобод тумани, «Хидиршо» МФЙ ҳудудидagi ветеринария клиникаси қурилиш ишлари юзасидан №ADMP/NCB/01-B шартномаси бўйича муҳрланган тақлифларни тақдим этишни тақлиф қилади.
- Харид билан боғлиқ тегишли ҳужжатларни ва қўшимча маълумотларни иш кунлари соат 10.00 дан 18.00 гача қуйидаги манзилдан олишингиз мумкин:
Ўзбекистон Республикаси Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги, Тошкент шаҳри, Лабзак кўчаси, 1-«А» уй.
Тел./факс: 71-241-33-30, электрон манзил: dmp@tga.uz.
Қизиқиш билдирган харид иштирокчилари қўшимча маълумотни юқорида кўрсатилган манзилдан олишлари мумкин.
- Тақдим этилган тақлифларнинг амал қилиш муддати танлов тақлифлари охириги топширилган санадан бошлаб 90 кунни ташкил этади. Тақлифлар билан бир қаторда иштирокчилар кафолат сифатида 67,437 млн. сўм маблағи миқдоридa гаров тақдим қилишлари керак.
- Тақлифлар муҳрланган ҳолда 2020 йил 2 октябрь соат 17.00 га қадар қуйидаги манзилга тақдим қилиниши керак:
Ўзбекистон Республикаси Агросаноат мажмуи ва озиқ-овқат таъминоти соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш агентлиги, Тошкент шаҳри, Лабзак кўчаси, 1-«А» уй.
Тел./факс: 71-241-33-30.
Электрон тарзда топширилган тақлифлар ва белгиланган муддатдан кейин топширилган ҳужжатлар қабул қилинмайди. Тендер тақлифларининг очилиши жисмоний шаклда тадбирда шахсан иштирок этишни истаган қатнашувчилар вакиллари иштирокида ўтказилади.
- Белгиланган муддатдан кейин топширилган ҳужжатлар қабул қилинмайди ва иштирокчиларга очилмаган ҳолда қайтарилади.

ЎЗГАРИШЛАРДАН КЎЗ ҚУВОНАДИ

Ёшим етмишдан ошди. Барча тенгдошларим қатори ҳаётимнинг кечаги куни, кўрган-кечирганларим ҳақида ёшларга гапириб беришдан асло чарчамайман. Айтишга, бугунги кун билан таққосласа арзийдиган ишлар эса жуда-жуда кўп. Вилоят, туман марказидаги ўзгаришлар ўз йўлига, чекка кишлоқлардаги бунёдкорликларга ҳам кишининг ҳаваси келади.

Дил сўзи

Улар ҳудудга маданият, одамларнинг турмушига маъно-мазмун олиб кирапти. Масалан, яқин вақтгача кишлоғимизда атиги учтагина икки қаватли бино бўлиб, умумтаълим мактаблари учун қурил-

ганди. Жорий асрнинг бошларида улар қаторига касб-хунар коллежига мўлжалланган тўрт қаватли бино қўшилди. Эндиликда шаҳарлардаги каби кўп қаватли тураржойлар қурилиш ҳам авж олган.

Икки йил бўлди. Маҳалламизда ҳам аҳоли учун тўрт қаватли замонавий уй-жойлар барпо этилмоқда. Ўтган йилнинг охирида уларнинг биринчиси битказилиб, 24 та оила янги хонадонларга кўчиб кирди. Улардаги шароитни кўриб, кишининг дили яйрайди. Айни пайтда унга ёндош яна икки бино қурилиши жад-дал борапти.

Биргина бу эмас, кишлоқда ишлаб қуриариш, савдо, маиший хизмат ва сервис йўналишидаги кўркам бинолар сони ҳам кун сайин кўпаймоқда. Маҳаллий тад-

биркорлар томонидан барпо этилаётган ҳудуд чиройини очаётган иншоотлар ортидан шу ерлик аҳоли иш жойи ва даромад манбаига эга бўлаётир.

Бу фақат бизнинг кишлоғимизда истиқомат қилаётган нуронийнинг кўзи илганлари. Агар бунга жойлардаги йирик лойиҳалар, улкан қурилишларни қўсак, янги Ўзбекистоннинг дадил қадамлари янада ойдинлашади, шундай эмасми?

Иброҳим БҲСТОНОВ, меҳнат фахрийси. Тўрақўрғон тумани

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Tender asosida mahsulot sotib olish

Tenderda yuqori tajribaga ega boʻlgan, oʻz vaqtida yetkazib bera oladigan va belgilangan miqdorda mahalliy mahsulot ishlab chiqaruvchilar, yetkazib beruvchilar va chet el korxonalari ishtirok etishlari mumkin. Tenderga kichik biznes va xususiy tadbirkorlik yoʻnalishida faoliyat olib borayotganlar ham taklif etiladi.

I. Xarid komissiyasi ishchi guruhining manzili: 100084, O'zbekiston Respublikasi, Toshkent shahri, Xalqobod ko'chasi, 17-«A» uy. Ma'lumot uchun telefon raqamlari: Turaxanov O.X., tel./faks: 71-238-75-76 (78) Sayt: **www.udz.uz**, elektron manzil: **1upr@udz.uz**

Tender mavzusi:

Lot №	Tender mavzusi	Hajm (kub.m)	Kub metr uchun maksimal narxi. Uzb. so'm	Umumiy narxi
3	Umumiy maqsadlar uchun fanera, tashqi qatlamlar (qayin) qoplamasi, FK markasi, emissiya klassi E1, 1 navi, sh2 silliqlash turi. Hajmi 1525x1525x4 mm., GOST 3916.1-96.	211,100	7 038 000,0	1 485 721 800,00
	Umumiy maqsadlar uchun fanera, tashqi qatlamlar (qayin) qoplamasi, FK markasi, emissiya klassi E1, 1 navi, sh2 silliqlash turi. Hajmi 1525x1525x6 mm., GOST 3916.1-96.	75,700	6 216 000,0	470 551 200,00
	Umumiy maqsadlar uchun fanera, tashqi qatlamlar (qayin) qoplamasi, FK markasi, emissiya klassi E1, 1 navi, sh2 silliqlash turi. Hajmi 1525x1525x8 mm., GOST 3916.1-96.	133,100	6 066 000,0	807 384 600,00
	Umumiy maqsadlar uchun fanera, tashqi qatlamlar (qayin) qoplamasi, FK markasi, emissiya klassi E1, 1 navi, sh2 silliqlash turi. Hajmi 1525x1525x10 mm., GOST 3916.1-96.	80,100	5 891 000,0	471 869 100,00
	Jami:	500,0		3 235 526 700,00

* — Chet ellik ishtirokchilar uchun maksimal sotib olish narxi 1 kub.m. uchun takliflarni ochish kunidagi O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki tomonidan o'rnatilgan valyutalar kursi (AQSH dollari, yevro) asosida hisob-kitob qilinadi.

Ishirokchilarning takliflarida lotning butun hajmi 500 kub.m. ko'rsatilishi kerak.

II. Tenderda ishtirok etishi man etiladigan korxonalar va firmalar:

- qayta tashkil etish, tugatish va bankrot jarayonidagi;
- kvalifikatsiya saralashida barcha talab etilgan hujjatlarni o'z vaqtida taqdim etmagan;
- oldingi tuzilgan shartnomalarni munosib tarzda bajarmagan;
- buyurtmachi bilan sudlashuv yoki hakamlik ishini ko'rish holatida bo'lgan;
- tender e'lon qilingan vaqtga qadar tashkil etilganiga 6 oydan kam bo'lgan;
- imtiyozli soliq tizimini taqdim qiluvchi va/yoki moliyaviy operatsiyalar o'tkazilganda ma'lumotning fosh etilishi va taqdim qilinishi ko'zda tutilmagan davlatlarda va/yoki hududlarda ro'yxatdan o'tgan (offshor hudud);
- vakolatli organ tomonidan shakllantiriluvchi insofsiz bajaruvchilarning yagona reestriga kiritilgan;
- soliq va boshqa majburiy to'lovlar bo'yicha qarzdorlik mavjud bo'lsa;
- o'z vaqtida ishtirok etishni kafolatlovchi garovni taqdim etmasa;
- xususiy yoki ijaraga olingan ishlab chiqarish quvvatini, ombor maydonlari, ma'muriy binolar, ofis (kadastr va/yoki ijara shartnoma va/yoki boshqa hujjatlar) (mahalliy ishtirokchilar uchun), mavjud bo'lmasa.

III. Tenderda qatnashish uchun garov miqdori — lotda belgilangan miqdorning narxidan 1% miqdorda to'lanadi yoki shu miqdorda bank kafolati taqdim etiladi. Chet ellik ishtirokchilar uchun garov miqdori to'lov kunidagi O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki tomonidan o'rnatilgan valyutalar kursi (AQSH dollari, yevro) asosida hisob-kitob qilinadi.

Tenderda qatnashish garov to'lovlari uchun bank rekvizitlari:

O'zdvaxzira
Valyuta hisob raqam: (AQSH dollari): 20203840300101000001
Valyuta hisob raqam: (yevro): 20203978100101000001
hisob raqam: 20203000400101000001.
«IPOTEKA-BANK» ATIB «Mehnat» filiali Toshkent sh.
MFO: 00423, IFUT: 84111 STIR: 201059473 SWIFT: UZHOUZ22XXX

IV. Yetkazib berish shartlari: Mahalliy ishtirokchilar — yetkazib beruvchi tomonidan buyurtmachining omborxonasiga yetkazib beriladi. Omborxonalar manzili:

1-yuk qabul qiluvchi: 278,2 600 kub.m. — 150201, Farg'ona vil., Bog'dod t-ni., Do'stlik k-si, 4-uy. «Furqat» temir yo'l stansiyasi, stansiya kodi 742300, qabul qiluvchi kodi 3508 (O'zbekiston Respublikasi);
2-yuk qabul qiluvchi: 92,62 kub.m. — 230121, Qoraqalpog'iston Respublikasi, Nukus sh., Xo'jayli guzari, 14-«A» uy, Nukus temir yo'l stansiyasi, stansiya kodi 739007 (O'zbekiston Respublikasi);
3-yuk qabul qiluvchi: 129,12 kub.m. — 100155, Toshkent sh., Sergeli t-ni, Xonobod k-si, 1-uy, Sergeli temir yo'l stansiyasi, stansiya kodi 723507 (O'zbekiston Respublikasi).

Chet ellik ishtirokchilar uchun yetkazib berish shartlari INCOTERMS — 2010 asosida, alohida partiyalarda temir yo'l yoki avtotransport vositalaridan CIP shartlari bo'yicha yetkazib beruvchi tomonidan buyurtmachining omborxonalariga yetkazib beriladi.

1-yuk qabul qiluvchi: 278,2600 kub.m. — 150201, Farg'ona vil., Bog'dod t-ni., Do'stlik k-si, 4-uy. «Furqat» temir yo'l stansiyasi, stansiya kodi 742300, qabul qiluvchi kodi 3508 (O'zbekiston Respublikasi);
2-yuk qabul qiluvchi: 92,62 kub.m. — 230121, Qoraqalpog'iston Respublikasi, Nukus sh., Xo'jayli guzari 14-«A» uy, Nukus temir yo'l stansiyasi, stansiya kodi 739007 (O'zbekiston Respublikasi);
3-yuk qabul qiluvchi: 129,12 kub.m. — 100155, Toshkent sh., Sergeli t-ni, Xonobod k-si, 1-uy, Sergeli temir yo'l stansiyasi, stansiya kodi 723507 (O'zbekiston Respublikasi).

V. Yetkazib berish muddati, chet ellik ishtirokchilar uchun buyurtmachi tomonidan yetkazib beruvchi foydasiga akkreditiv ochilgandan so'ng 60 kun davomida, mahalliy yetkazib beruvchilarga shartnoma imzolanishdan va oldindan to'lov amalga oshirilgandan so'ng 60 kun davomida.

VI. Ishirokchilar ikkita komplekt tashqi konvertlar taqdim qilishi lozim, bitta asl nusxa va bitta nusxa. Har bir hujjatlar komplekti ichida ikkita ichki (texnik va narx taklifi) va kvalifikatsiya hujjatlari bo'lishi lozim. Tashqi va ichki hujjatlar yelimlab ulangan joylarida ishtirokchining muhri bilan muhrlanishi kerak. Tashqi konvertda quyidagi ma'lumotlar aks ettirilishi lozim: tender ishtirokchisining nomi va manzili. Agar konvert muhrlanmagan va belgilangan tartibda rasmiylashtirilmagan bo'lsa, tenderning ishchi guruhi yo'qolgan va muddatdan avval ochilgan vaziyatlarda javobgarlikni o'z zimmasiga olmaydi.

VII. Tender takliflarini taqdim qilishning oxirgi muddati: 2020 yilning 5 oktyabri, Toshkent vaqti bilan soat 18.00 gacha.

«ЎЗДАВЗАХИРА» КЎМИТАСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

2020 йил 21 августда ўтказилган тендер савдолари натижаларига кўра, махсулот етказиб бериш бўйича эълон қилинган 3-сонли лот фанера ГОСТ 3916.1-96 тендер савдолари амалга ошмаган деб топилди ва бир хил шартларда, бир хил мезонлар ҳамда талабларда тендер такроран ўтказилади.

2020 йил 21 августдаги тендер комиссиясининг баённомасидан кўчирма:

Тендер комиссияси қарор қилди:

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунининг 63-моддасига асосан, 3-сонли лот фанера ГОСТ 3916.1-96 сотиб олиш бўйича тендер амалга ошмаган деб топилсин ва бир хил шартларда, бир хил мезонлар ҳамда талабларга мувофиқ тендер такроран ўтказилсин.

«ЎЗДАВЗАХИРА» КЎМИТАСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

2020 йил 26 августда ўтказилган тендер савдолари натижаларига кўра, махсулот етказиб бериш бўйича эълон қилинган 4-сонли лот шакар ТС2 ГОСТ 33222-2015 тендер савдолари амалга ошмаган деб топилди ва бир хил шартларда, бир хил мезонлар ҳамда талабларда тендер такроран ўтказилади.

2020 йил 26 августдаги тендер комиссиясининг баённомасидан кўчирма:

Тендер комиссияси қарор қилди:

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат харидлари тўғрисида»ги Қонунининг 63-моддасига асосан, 4-сонли лот шакар ТС2 ГОСТ 33222-2015 сотиб олиш бўйича тендер амалга ошмаган деб топилсин ва бир хил шартларда, бир хил мезонлар ҳамда талабларга мувофиқ тендер такроран ўтказилсин.

«ЎЗДАВЗАХИРА» КЎМИТАСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

2020 йил 26 августда ўтказилган тендер савдолари натижаларига кўра, махсулот етказиб бериш бўйича эълон қилинган 2-лот кесилган тахта (Доска обрезная) игнабарглилар туркуми, қарағай, 1 — 3 нав, кенглиги 150 — 200 мм., қалинлиги 40 — 50 мм., узунлиги 6 м., ГОСТ 8486, 24454 тендер савдолари қолиби «JAMOL INVEST COMPANY» МЧЖ деб эълон қилинади.

2020 йил 26 августдаги тендер комиссиясининг баённомасидан кўчирма:

Тендер комиссияси қарор қилди:

Тендер таклифларининг нарх қисmini очиш натижаларини ҳисобга олган ҳолда 2-лот кесилган тахта (Доска обрезная) игнабарглилар туркуми, қарағай, 1 — 3 нав, кенглиги 150 — 200 мм., қалинлиги 40 — 50 мм., узунлиги 6 м., ГОСТ 8486, 24454 етказиб бериш бўйича 1 куб.м. учун 2 510 000,0 сўмдан тендер қолиби «JAMOL INVEST COMPANY» МЧЖ деб эълон қилинсин (Тoшкент шаҳри, Яққасарой тумани, Шамс Қулoл қўчаси, 64-ўй).

2-лот кесилган тахта (Доска обрезная) игнабарглилар туркуми, қарағай, 1 — 3 нав, кенглиги 150 — 200 мм., қалинлиги 40 — 50 мм., узунлиги 6 м., ГОСТ 8486, 24454 етказиб бериш бўйича тендер савдолари захира қолиби «TARIYI QURILISH» МЧЖ деб эълон қилинсин.

Tender asosida mahsulot sotib olish

Tenderda yuqori tajribaga ega boʻlgan, oʻz vaqtida yetkazib bera oladigan va belgilangan miqdorda mahalliy mahsulot ishlab chiqaruvchilar, yetkazib beruvchilar va chet el korxonalari ishtirok etishlari mumkin. Tenderga kichik biznes va xususiy tadbirkorlik yoʻnalishida faoliyat olib borayotganlar ham taklif etiladi.

I. Xarid komissiyasi ishchi guruhining manzili: 100084, O'zbekiston Respublikasi, Toshkent shahri, Xalqobod ko'chasi, 17-«A» uy. Ma'lumot uchun telefonlar: Turaxanov O.X., tel./faks: 71-238-75-76 (78) Sayt: **www.udz.uz**, elektron manzil: **1upr@udz.uz**

Tender mavzusi:

Lot №	Tender mavzusi	Miqdori (тонн)	Maksimal sotib olish narxi 1 tonna uchun *	Umumiy narxi
			So'm	So'm
4	Kristallangan oq shakar TC 2 GOST 33222-2015	10 000	5 360 000,0	53 600 000 000,0

* — Chet ellik ishtirokchilar uchun maksimal sotib olish narxi 1 tonnasi uchun takliflarni ochish kunidagi O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki tomonidan o'rnatilgan valyutalar kursi (AQSH dollari, yevro) asosida hisob-kitob qilinadi.

Ishirokchilarning takliflarida lotning butun hajmi 10 000 tonna ko'rsatilishi kerak.

II. Tenderda ishtirok etishi man etiladigan korxonalar va firmalar:

- qayta tashkil etish, tugatish va bankrot jarayonidagi;
- kvalifikatsiya saralashida barcha talab etilgan hujjatlarni o'z vaqtida taqdim etmagan;
- oldingi tuzilgan shartnomalarni munosib tarzda bajarmagan;
- buyurtmachi bilan sudlashuv yoki hakamlik ishini ko'rish holatida bo'lgan;
- tender e'lon qilingan vaqtga qadar tashkil etilganiga 6 oydan kam bo'lgan;
- imtiyozli soliq tizimini taqdim qiluvchi va/yoki moliyaviy operatsiyalar o'tkazilganda ma'lumotning fosh etilishi va taqdim qilinishi ko'zda tutilmagan davlatlarda va/yoki hududlarda ro'yxatdan o'tgan (offshor hudud);
- vakolatli organ tomonidan shakllantiriluvchi insofsiz bajaruvchilarning yagona reestriga kiritilgan;
- soliq va boshqa majburiy to'lovlar bo'yicha qarzdorlik mavjud bo'lsa;
- o'z vaqtida ishtirok etishni kafolatlovchi garovni taqdim etmasa;
- xususiy yoki ijaraga olingan ishlab chiqarish quvvatini, ombor maydonlari, ma'muriy binolar, ofis (kadastr va/yoki ijara shartnoma va/yoki boshqa hujjatlar) (mahalliy ishtirokchilar uchun), mavjud bo'lmasa.

III. Tenderda qatnashish uchun garov miqdori — lotda belgilangan miqdorning narxidan 1 foiz miqdorda to'lanadi yoki shu miqdorda bank kafolati taqdim etiladi. Chet ellik ishtirokchilar uchun garov miqdori to'lov kunidagi O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki tomonidan o'rnatilgan valyutalar kursi (AQSH dollari, yevro) asosida hisob-kitob qilinadi.

Tenderda qatnashish garov to'lovlari uchun bank rekvizitlari:

O'zdvaxzira
Valyuta hisob raqam: (AQSH dollari): 20203840300101000001.
Valyuta hisob raqam: (yevro): 20203978100101000001.
Hisob raqam: 20203000400101000001.
«IPOTEKA-BANK» ATIB Mehnat filiali Toshkent sh.
MFO: 00423, IFUT: 84111, STIR: 201059473 SWIFT: UZHOUZ22XXX

IV. Yetkazib berish shartlari: Mahalliy ishtirokchilar — yetkazib beruvchi tomonidan buyurtmachining omborxonasiga yetkazib beriladi. Omborxonalar manzili:

1-yuk qabul qiluvchi: 3 500,0 tn., 140502, Juma sh., Tinchlik k-si, 54, Juma temir yo'l stansiyasi, stansiya kodi 728106, qabul qiluvchi kodi 6242 (O'zbekiston Respublikasi);
2-yuk qabul qiluvchi: 3 500,0 tn., 110302, Ohangaron sh., Promzona, Ohangaron temir yo'l stansiyasi, stansiya kodi 723009, qabul qiluvchi kodi 1074 (O'zbekiston Respublikasi);
3-yuk qabul qiluvchi: 3 000,0 tn., 100155, Toshkent sh., Sergeli t-ni., Xonobod ko'chasi, 1-uy, Sergeli temir yo'l stansiyasi, stansiya kodi 723507, qabul qiluvchi kodi 1290 (O'zbekiston Respublikasi).

Chet ellik ishtirokchilar uchun yetkazib berish shartlari INCOTERMS — 2010 asosida, alohida partiyalarda temir yo'l yoki avtotransport vositalaridan CIP shartlari bo'yicha yetkazib beruvchi tomonidan buyurtmachining omborxonalariga yetkazib beriladi.

1-yuk qabul qiluvchi: 3 500,0 tn., 140502, Juma sh., Tinchlik k-si, 54, Juma temir yo'l stansiyasi, stansiya kodi 728106, qabul qiluvchi kodi 6242 (O'zbekiston Respublikasi);
2-yuk qabul qiluvchi: 3 500,0 tn., 110302, Ohangaron sh., Promzona, Ohangaron temir yo'l stansiyasi, stansiya kodi 723009, qabul qiluvchi kodi 1074 (O'zbekiston Respublikasi);
3-yuk qabul qiluvchi: 3 000,0 tn., 100155, Toshkent sh., Sergeli t-ni., Xonobod ko'chasi, 1-uy, Sergeli temir yo'l stansiyasi, stansiya kodi 723507, qabul qiluvchi kodi 1290 (O'zbekiston Respublikasi).

V. Yetkazib berish muddati — chet ellik ishtirokchilar uchun buyurtmachi tomonidan yetkazib beruvchi foydasiga akkreditiv ochilgandan so'ng 120 kun davomida, mahalliy yetkazib beruvchilarga shartnoma imzolanishdan va oldindan to'lov amalga oshirilgandan so'ng 120 kun davomida.

VI. Ishirokchilar ikkita komplekt tashqi konvertlar taqdim qilishi lozim, bitta asl nusxa va bitta nusxa. Har bir hujjatlar komplekti ichida ikkita ichki (texnik hamda narx taklifi) va kvalifikatsiya hujjatlari bo'lishi lozim. Tashqi va ichki hujjatlar yelimlab ulangan joylarida ishtirokchining muhri bilan muhrlanishi kerak. Tashqi konvertda quyidagi ma'lumotlar aks ettirilishi lozim: tender ishtirokchisining nomi va manzili. Agar konvert muhrlanmagan va belgilangan tartibda rasmiylashtirilmagan bo'lsa, tenderning ishchi guruhi yo'qolgan va muddatdan avval ochilgan vaziyatlarda javobgarlikni o'z zimmasiga olmaydi.

VII. Tender takliflarini taqdim qilishning oxirgi muddati: 2020 yilning 5 oktyabri, Toshkent vaqti bilan soat 18.00 gacha.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 956. 31 558 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни оқлаб олиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилиш

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.



Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида термид ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланиди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.
Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тoшкент шаҳри,
Матбуготчилар кўчаси, 32-ўй.
Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Маираббoв.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА яқини — 22.40 Топширилди — 23.45 1 2 3 4 5 6